2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

4 (606)

2008 йил 23 январь

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ Таъмагирнинг додини Дук хоним берди-ку!

▶ Томорқангиз нега бўш, ҳамсоя?

3 ▶ Бахти кулган Банот момо

▶ Мулк дардида махлуқа айланган кимса

4 ▶ Овга чиққаннинг ўлжа бўлгани ҳақида...

▶ Ёлланган куёв куёвликни ёлчитмади!

2008 йил – Ёшлар йили

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАРНИНГ ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида халқаро фестиваллар, кўрик-танловлар, санъат анжуманлари ғолиблари — ёш мусиқачилар иштирокида хайрия концерти бўлиб ўтди.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Успенский номидаги Республика махсус мусиқа академик лицейи ва Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбир 2008 йил – Ёшлар йилида болалар ва ўсмирлар ижодиётини қўллаб-қувватлаш йўналишидаги дастлабки ижодий лойиҳадир.

Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш истеъдодларни кашф этиш, уларнинг иқтидори тўла намоён бўлиши учун барча зарур шароит ва имкониятларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан бу борада кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур жамоат ташкилоти ташаббуси билан ўтказилаётган ва юртимиз ёшлари ўртасида тобора катта қизиқиш ва эътибор қозонаётган кўплаб санъат байрамлари, фестиваллар, концертлар, кўрик-танловлар, ижодий беллашувлар бунинг ёрқин далилидир.

"Янги авлод", "Келажак овози", "Навқирон Ўзбекистон" каби ижодий лойиҳаларда ғолиб бўлган умидли ижодкорлар бугунги кунда нуфузли халқаро санъат фестивалларида ҳам муваффақият билан иштирок этмоқдалар. Жумладан, ёш пианиночи Тамила Салимжонова, скрипкачи Нодир Ҳошимов, хонанда Хадича Имомназарова сингари ёшлар, Ўсмирлар симфоник оркестри жамоаси Италия, Греция, Россия, Франция каби бир қатор давлатларда ўтган концерт ва кўрик-танловларда совринли ўринларни эгаллади.

Концертда жаҳон ва ўзбек бастакорларининг мусиқий асарлари ана шундай истеъдодли мусиқачилар томонидан ижро этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Mahalla

— Яна нима дейсиз?
— Энди тоғ қўйнида ҳам бемалол телефонда гаплаша оларканмиз-да.

ЕР ЭГАСИНИНГ РЕЖАЛАРИ БИСЁР

унинг бугунги саъй-ҳаракатлари, меҳнатига яраша ҳосили ҳам мўл бўлиши аниқ, албатта!

Не-не нозу неъматларни бағрида етиштирувчи маҳсулдор заминимиз истиқлол йилларидаги ислоҳотлар туфайли бугун ўзининг ҳақиқий эгасини топди. Ҳақиқий деҳқон ерни қадрлайди, у билан тиллашади. Вақтида ер бағрига уруғ қадаб ҳосил олишни билган деҳқон, вақтида ерга дам бериб, озуқага тўйдириш тадоригини кўришни ҳам унутмайди.

Айни пайтда далалар, экинзорлар оппоқ қорни ёпиниб қиш уйқусига кетган. Лекин ер эгаси беҳаловат, тиниб-тинчимайди. Шу кунларда ўзини деҳқон билган киши борки, баҳорги экин-тикин ишларига қизғин тадорик кўрмоқда. Баҳорги ишларда деҳқон-фермерларнинг асосий кўмакчиси бу — техника. Шукрки, каттами, кичикми даласи бор деҳқон ерга ишлов берувчи турли русумдаги техника воситаларига ҳам эга. Бундан ташқари, ҳар бир деҳқон-фермер уюшмалари қошида ташкил этилган МТПларида жамланган барча техник воситалар эрта кўкламданоқ бошланадиган экиш мавсумига шайланмоқда.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Замонавий қулайликлар

Қашқадарё вилояти

Ўтган 2007 йилда вилоятда 15 та замонавий янги коллеж бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Жорий Ёшлар йилида яна 17 та коллеж қурилиши режалаштириляпти.

ИККИ ЙИЛДА 32 ТА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Бюджет маблағлари ҳисобидан вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси буюртмасига асосан жорий йилда бунёд этилиши режалаштирилаётган таълим муассасалари 12045 нафар ўқувчи ўрнига эга бўлади. Шуниси диққатга сазоворки, мазкур коллежларнинг 16 таси қишлоқ жойларида қад ростлайди. Демак, уларда асосан қишлоқ йигит-қизлари таълим олиб, касб-ҳунар эгаллашади.

Айни пайтда коллежлар қурилишини тендер тасосида қўлга киритган "Қашқадарёсаноатқурилишресурс", "Қашқадарёсервисқурилиш", "Реал капиталқурилиш", "Ғузор-ф" масъулияти чекланган жамияти каби ўндан ортиқ ташкилот бунёдкорлари бош пудратчи сифатида қурилиш-монтаж ишларини бошлаб юборишди. Бунёдкорлик ишларига 1400 нафардан зиёд қурувчи-мутахассис, 156 та механизм ва қудратли техника воситалари жалб этилган.

Йилдан йилга замонавий ўқув масканлари сонининг ортиб бораётганини мамлакатимизда ёшларга, уларнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олишлари, ўзлари ёқтирган мутахассисликларни эгаллашлари учун кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор ифодаси, дейиш мумкин.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Сурхондарё вилояти

ТОҒЛИ БОЙСУНДА ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ

— Алло, бу Бойсунданми?
— Ҳа, Бойсундан. Сизни эшитаман...
— Мен Толибман. Москвадан қўнғироқ қиляпман. Ботир ака, ўзингизми?
— Ҳа, мен, Ботирман, Толибжон, гапиравер... Яхши ўқиб юрибсанми? Тани жонинг соғми?..
— Худога шукур, раҳмат... Ие, ака, ўзгаришлар каттами дейман, илгари бир-биримизнинг гапимизни эшитолмай эсимиз кетарди. Энди ён хонадан гапираётгандек овозингиз жаранглаб эшитиляпти.
— Шундай, ука, узоғимиз яқин, мушкулимиз осон бўлди: янги телефон станцияси ишга туширилди...

Ҳа, тоғли Бойсун тумани аҳолиси учун яна бир қулайлик яратилди. Бу ерда ахборотлаштириш ва телекоммуникация тизими тез суръатлар билан ривожланмоқда. Жумладан, яқинда эски телефон станцияси ўрнида Хитойда ишлаб чиқарилган "HVAWEI C COS" маркали оптик шиша толали янги сўзлашув ускунаси ўрнатилгач, алоқа тубдан яхшиланди. Янги телефон станцияси қисқа рақам териш, кирувчи алоқани таъқиқлаш, янги чақирув тушганлиги ҳақида хабар бериш, рақам термасдан қайта қўнғироқ қилиш сингари 17 та хизмат турларини автоматик тарзда амалга оширади.

Энди Бойсуннинг тоғли ҳудудларида фақат уяли алоқа компанияларининг мижозлари эмас, бошқалар ҳам сифатли алоқа воситасида сўзлашиш ҳамда хорижий давлатлар бўйлаб халқаро қўнғироқларни бемалол амалга ошириш имкониятига эга бўлди. Айни пайтда ушбу қулайликдан туман аҳли миннатдор бўлмоқда.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Кўрик-танлов якуни

"МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНУР ВАТАН"

Тошкент Фотосуратлар уйида шу мавзудаги кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди



«Маҳалладан бошланур Ватан» республика фото кўрик-танлови бош совриндори Руслан Галиев.

Миллий қадриятларимиз бешиги, деган таъриф тилга олинса, беихтиёр кўз олдимизда юртимиз маҳаллалари жонланади. Бугунги кунга келиб эса маҳаллаларга нисбатан қўлланиладиган ушбу қиёсий таърифнинг қамрови янада кенгайган. Яъни айни пайтда маҳаллаларни нафақат қадриятларимиз бешиги, қолаверса, ислоҳотларимиз юраги, дея эътироф этсак, ҳам ўринли бўлади, назаримда. Тошкент Фотосуратлар уйида "Маҳалладан бошланур Ватан" республика фото кўрик-танлови асосида намойиш этилган фотокўргазма томошабинлари ҳам бунга яна бир карра амин бўлганликлари аниқ.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўрик-танловда юртимизнинг турли ҳудудларидан 40 нафарга яқин профессионал ва ҳаваскор фотоижодкорлар салкам 200 та фотосуратлари билан иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, бир ойдан зиёд вақт мобайнида намойиш этилаётган мазкур фотокўргазма томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Кўргазмага қўйилган 96 та фотография ишининг ҳар бири бевосита маҳалла ҳаётини, фаолиятини, унинг турли қирраларини акс эттиргани билан янада аҳамиятли.

Давоми 3-саҳифада

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан Сизни шахсан ўз номимдан ва Чехия Республикаси фуқаролари номидан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Сизга мустаҳкам соғлик ва фаолиятингизда каттадан-катта муваффақиятлар тилаб қоламан.

Эҳтиром ила,

Вацлав КЛАУС,
Чехия Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан қутловларимни лутфан қабул қилгайсиз.

Сизнинг истиқболдаги фаолиятингизда муваффақиятлар тилаб қоламан ва бизнинг икки томонлама муносабатларимиз келгусида халқларимиз манфаатлари йўлида янада ривожланиб бораверишига ишонч билдираман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурматимни лутфан қабул қилгайсиз.

Эҳтиром ила,

Валдис ЗАТЛЕРС,
Латвия Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

2007 йил 23 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганингиз муносабати билан Сизни муборакбод этишга ижозат бергайсиз. Янги мандатингиз билан Сиз мамлакатингизнинг жаҳон ҳамжамияти, шу жумладан, Ўзбекистон ҳуқуқий тенглик асосида иштирок этаётган ЕХҲТ билан ҳамкорликни кучайтириш йўлидаги саъй-ҳаракатларни давом эттираверишингизга ишончим комил.

Ўзбекистоннинг ЕХҲТ фаолиятига фаол жалб этилиши, шубҳасиз, ошиб бораверади. ЕХҲТ ташқи ишлар вазирлари 2007 йилнинг декабрь ойида Мадрид шаҳрида ўтказилган сўнгги йиғилишида Афғонистонга ёрдам беришни таъминлаш бўйича ЕХҲТнинг саъй-ҳаракатлари доирасида Ташкилотнинг Марказий Осиёдаги ролини мустаҳкамлашга қарор қилдилар. Ўзбекистон мазкур жараёнда муҳим роль ўйнаши мумкин.

Умид қиламанки, ЕХҲТ 23 декабрдаги сайловни кузатиб боргач, жумладан, кузатувчилик вазифалари юзасидан айрим тавсияларни бажарганидан сўнг қўйиладиган кейинги қадамлар ўзаро ишончга асосланган самарали ва манфаатли йўллар билан амалга оширилади. Пировардида, мамлакатингиз ЕХҲТ лойиҳаларининг Ўзбекистондаги янги тайинланган Координатори, элчи Иштван Венцель томонидан узоқ муддатли мададга умид боғлай олади, деб Сизни ишонтиришга ижозат бергайсиз.

Самимият ва энг эзгу Янги йил тилакларим ила,

Марк Перрин де БРИШАМБО,
ЕХҲТ Бош котиби.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Сизни янги муддатга муваффақиятли қайта сайланишингиз муносабати билан муборакбод этишдан бағоят мамнунман.

Лавозимга киришишингизнинг аввал бошида мен Ўзбекистонда ахборот ва коммуникация технологияларини такомиллаштириш мақсадида Сиз ва ҳукуматингиз билан ҳамкорликни давом эттириш ниятида эканимни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизни ишонтириб айтаманки, Ўзбекистон Республикаси билан Халқаро электр алоқа уюшмаси ўртасидаги самарали ҳамкорликни бундан буён ҳам давом эттиришни тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Д-р Хамадун ТУРЕ,
Халқаро электр алоқа уюшмаси Бош котиби.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

2007 йил 23 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги юксак ғалабангиз муносабати билан менинг самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Президентлик сайловида кузатувчи сифатида қатнашган Ярославль вилояти вакиллари эркин ва очиқ сайловнинг гувоҳи бўлишди ва Ўзбекистон Республикасида Сизнинг раҳбарлигингиз остида бўлаётган кенг кўламли ўзгаришларга яна бир бор ишонч ҳосил қилишди.

Республикангизнинг вилоятлари билан тобора ривожланиб бораётган, 2007 йилда 15 йиллиги нишонланган ҳамкорлик алоқаларимизни юксак қадрлаймиз.

Сизга ва Сизнинг тимсолингизда Ўзбекистон халқига чин дилдан тинчлик, эзгулик ва фаровонлик тилаб қоламан.

Сергей ВАХРУКОВ,
Ярославль вилояти губернатори.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Андижон вилояти

Жамият ва оила мустаҳкамлигини, барқарорлигини таъминлашда хотин-қизларнинг ўрни ва роли ниҳоятда салмоқли.

МАСЛАҲАТЧИЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Шу боис бугунги кунга келиб хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини янада мустаҳкамлаш, ёшлар тарбиясида "Оила—мактаб—маҳалла" ҳамкорлигини жонлантириш каби долзарб вазифаларни бажаришдек масъулиятли ишлар фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари зиммасига юклатилган. Айтиш мумкинки, ҳозирда вилоятдаги мавжуд 800 дан зиёд маҳалла фуқаролар йиғинларида фаолият юритаётган маслаҳатчилар бу борада ўз маҳалласининг ҳақиқий жонкуярига айланиб улгурди.

Яқмнда Заҳириддин Муҳаммад Бобур номли вилоят мусиқали драмма театрида вилоятдаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича фуқаролар йиғинлари маслаҳатчилари иштирокида бўлиб ўтган очиқ мулоқот тадбирида ана шу мазмундаги эътирофлар тилга олинди.

Хусусан, очиқ мулоқотда вилоят ҳокими А.Усмонов давлат ва жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган, маҳалла ва оиладаги тинчликни, барқарорликни сақлашдек масъулиятли вазифани бажаришнинг уддасидан чиқаётган йиғин маслаҳатчилари фаолиятидаги ютуқларга кенг тўхталиб ўтди. Шунингдек, ҳали бу соҳада тўлиқ ўз ечимини топмаган муаммолар ҳам мважуд эканлигини таъкидлади. Айниқса, аёллар ва вояга етмаган ёшлар томонидан жиноятчилик содир этилиши, ноқонуний диний сабоқ олиш, оилавий ажримларнинг учраб турғани ачинарли ҳолдир. Табиийки, бу борадаги ижобий натижалар қайд этилиши учун ўз навбатида маҳалла маслаҳатчиларидан ҳам янада фаолроқ ишлаш талаб этилади.

Тадбирда сўзга чиққан вилоят прокурори Баҳодиржон Деҳқонов, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, Бахтиёржон Сиддиқов ҳамда вилоят бош имом-хатиби Нуриддин ҳожи Холиқназаровлар ана шу муаммоларни бартараф этиш юзасидан фикр ва мулоҳазаларини билдириб, иштирокчиларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб беришди.

Мулоқот сўнгида вилоят ҳокими А.Усмонов бир гуруҳ илғор маҳалла маслаҳатчиларига вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғаларини топширди.

У.САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Йиғинда кимлар ишламоқда?

Наманган вилояти

"ҚУВВАТИМИЗ МАНБАИ ЭЪТИБОР ВА ИШОНЧДА!" —

дейди ташаббускор ва изланувчан раиса Дилбар Азизова

...Маҳалла котиби айтган хабардан йиғин раисининг кўнгли хижил бўлди: "Идора вазифасини ўтаб турган шу тўкилаётган бино ҳам сотилиб, маблағи тугатилаётган ширкат хўжалиги аъзоларига иш ҳақи сифатида берилар эмиш..."

Узоқ йиллар дала шийпони, кейинроқ болалар боғчаси сифатида фойдаланилган бу бино маҳалла фуқаролар йиғини идорасига айлантирилганда анчагина чўкиб қолганди. Қайта-қайта таъмирланган бўлса-да, чириб кетган полга чора топилмади. Хоналарнинг нураган деворларига ўрнашиб қолган кимёвий дориларнинг ёқимсиз ҳиди ҳар қанча ҳаво алмаштиришу "исириқ тутатиш"ларни ҳам писанд қилмади... Лекин на илож? Бу хонага кунига ўнлаб одамлар турли юмуш ва ташвиш билан келади, ҳар бирига йиғин раисининг маслаҳати ё кўмаги керак. Шундай пайтда раис шароит ёмонлигини баҳона қилиб ўтирса бўлмайди, албатта. Аслида у шу бинони бузиб, қайтадан қуриш тўғрисида режа тузиб қўйганди. Бино сотиладиган бўлгач... Энди маҳаллага янги идора биноси керак. Демак, қурилишни тезлаштириш лозим.

Учқўрғон туманидаги Янги ҳаёт маҳалласининг салкам икки минг нафар аҳолиси қувонч-ташвиши билан яшаётган йиғин раиси Дилбар Азизованинг кўнглига туккан бу орзусини рўёбга чиқариши учун анча-мунча маблағ, вақт ва тоқат керак эди, албатта. Дилбар опа табиатан жонсарак инсон, шу боис бошқа ҳамма ташвишини унутиб, бино қурилиши билан боғлиқ ташвишлар гирдобига "шўнғиди". Учқўрғон тумани ҳокимининг собиқ ширкат хўжалигига қарашли эски бинони Ҳамза номли қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги Янги ҳаёт маҳалласи фуқаролар йиғини идораси тасарруфига бериш ҳақидаги қарори эса унинг кучига куч қўшди.

Замонавий талабларга мос маҳалла гузари қурилишига доир барча ҳужжатлар тахт, энди шундай катта қурилишга ҳомийликни зиммасига оладиган саховатпеша инсонни топиш лозим эди.

Маҳалла фаоллари иштирокидаги йиғилишда бу масала ҳам ойдинлашди: янгиҳаётлик ғайраттшижоатли фермерлардан бири Нодирбек Қамбаров маҳалла идораси, чойхона, озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж маҳсулотлари дўкони ва озуқа-ем сотиладиган савдо растаси қурилиши учун масъулиятни ўз зиммасига олди. Тўғриси, "Нодирбек ортиқча чираниб қўймадимикан?" деб, қурилишнинг муваффақиятли якунланишига шубҳа билдирувчилар ҳам топилганди. Бу хавотирлар ноўрин экан. Буни қарангки, уч ярим ой фурсат ўтиб, тадбиркор йигит маҳаллакўй олдида берган ваъдасининг устидан чиқиб, юзи ёруғ бўлди.

— Ҳар бир ҳудуднинг, ҳар бир маҳалланинг ўзига хос ютуқлари ва қулайликлари, шунга яраша ташвиш ва муаммолари ҳам бўлиши табиий. Агар маҳалладошлар ҳамжиҳатлик билан ҳар қандай муаммога ечим топиш мумкин эканлигини англаб етсалар, менимча, чорасиз иш қолмайди, — дейди Дилбар опа. — Ўтган йилда маҳалламиз ҳаётида рўй берган энг муҳим воқеа, шубҳасиз, янги гузаримизнинг қуриб битказилиши бўлди. Ҳудудимиздаги 430 дан ортиқ хонадоннинг ҳар бирида ўзига яраша ташвиш бор. Эътиборимизга, меҳримизга муштоқ турган йигирма уч нафар ногирон маҳалладошимизнинг аҳволидан мунтазам хабардор бўлиш, турли саналар, байрамлар муносабати билан уларни йўқлаб кўнглини кўтариш, ёшларимизнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, касб-ҳунарга, фойдали меҳнатга жалб этиш каби муҳим юмушларимиз бор. Ушбу Ёшлар йилида ёшларимиз ҳаёти билан боғлиқ тадбирларимиз кўламини янада кенгайтирамиз. Булардан ташқари, муҳтож фуқароларга моддий ёрдам, турли нафақаларни адолатли тақсимлаш масъулияти ҳам зиммамизда. Бундай кенг кўламли, серқирра фаолиятни ўз ишига фидойи йиғин ходимлари, фаоллар ишончи ва кўмагисиз йўлга қўйиш мумкин эмас. Мен ҳамиша, ҳар ишда уларнинг маслаҳатига, ёрдамига суянаман. Энг муҳими, ҳукуматимиз, шахсан Президентимиз томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига қаратилаётган алоҳида эътибор самарасини ўз ишимда, маҳалламиз ҳаётида кўриб, ҳис қилиб турибман. Бу эътибор маҳалла-кўй қувонч ва ташвишларини юрагига яқин олиб ишлаётган, изланаётган ҳар бир инсон учун асосий куч-қувват манбаидир.

Маҳмуда ҚОДИРОВА

Сирдарё вилояти

2008 йил — Ёшлар йили

ЯНГИ ҲАЁТда ЁШЛАР ҲАЁТИ

маҳалла мутасаддилари ва фаолларининг доимий эътиборида

Маҳалламиз ҳудудида истиқомат қилувчи 5508 нафар фуқаронинг 2500 нафардан зиёди ёшлардан иборат. Шу боис йиғинимизда ёшлар тарбияси, улар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Бу борадаги энг муҳим вазифа ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилишдан иборат. Ана шу мақсадда маҳалламиздаги спорт майдони, волейбол ва баскетбол майдончалари тартибга келтирилиб, ёшлар ихтиёрига топширилган. Бундан ташқари, "Гулшан" ижодиёт маркази қошида фаолият кўрсатаётган "Чевар қизлар" ва "Ёш дурадгорлар" тўгаракларида 45 нафар қиз каштачилик, зардўзлик, тикиш-бичиш, 22 нафар ўғил бола эса сандиқсозлик, эшик ва дераза ромларини тайёрлаш, ёғоч ўймакорлиги каби миллий ҳунармандчилигимиз сир-асрорларини ўрганишмоқда.

Ёшлар билан ишлашда "оила—маҳалла—мактаб" концепциясига таянган ҳолда олиб бораётган ишларимиз ҳам ижобий самара беряпти. Ҳудудимиздаги хорижий тилларга ихтисослашган мактаб-интернат ва маҳалламиз болалари таълим олаётган шаҳардаги 6 ва 11-мактабларнинг маъмурияти билан узвий алоқа ўрнатганмиз. Ўқитувчи ва тарбиячилар хонадонларга тез-тез ташриф буюриб, ота-оналар билан фикр алмашишади, суҳбатлар ўтказишади.

Маҳалламизда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва қарор топтириш борасидаги ишларимиз ҳам яхши йўлга қўйилган. Йиғин ҳудудидаги 3-сонли шаҳар оилавий поликлиникасининг шифокорлари маҳалламиздаги мавжуд 22 та кўчага бириктирилган. Улар мазкур кўчалардаги хонадонларда яшовчи болалар ва ўсмирларнинг саломатлигини доимий назорат қилиб борадилар. Болаларни диспансер кўригидан ўтказиш, туғиш ёшидаги аёлларни рўйхатга олиш, доимий назоратда бўлишига жиддий аҳамият берилятпти. Шу билан бирга ёшлар ўртасида "Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари", "Бола тарбиясида она сутининг аҳамияти", "Соғлом она, соғлом бола", "Озодалик — саломатлик гарови" каби мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Йиғин мутасаддилари, ҳудудий профилактика нозири, посбон ва маҳалладошларимиз билан ҳамкорликда қилаётган саъй-ҳаракатларимизнинг барчаси ёшларнинг носоғлом ғоялар таъсирига тушиб қолиши, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, гиёҳвандлик каби салбий иллатларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда. Юртбошимиз томонидан жорий йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши эса ёшлар тарбияси, келажагига бўлган эътибор ва масъулиятни янада оширади.

Бурхон ШЕРМАТОВ,
Гулистон шаҳридаги Янги ҳаёт маҳалласи оқсоқоли.

Семинар

ТОМОРҚАНГИЗ НЕГА БЎШ?

"Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан Сайхунобод туманининг Т.Ғуломов номли деҳқон-фермер хўжаликлари ҳудудий уюшмасида аҳоли шахсий томорқасидан фойдаланишни ўрганиш ва хонадонларда парранда боқишни ташкил этиш юзасидан кўргазмали-амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинарда шаҳар ва туман ҳокимликлари мутасаддилари, хотин-қизлар қўмиталари, "Маҳалла" жамғармаси туман ва шаҳар бўлинмалари раислари ва бош мутахассислари ҳамда қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари иштирок этишди.

Тадбирда "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими масъуллигида аҳолининг шахсий томорқаларидан фойдаланишини ўрганиш ва таҳлил қилиш, хонадонларда парранда боқилишини йўлга қўйиш ва ташкил этиш мақсадида тузилган ишчи гуруҳининг таҳлилий хулосалари тингланди. Вилоятнинг Сирдарё, Сайхунобод, Гулистон, Боёвут туманларида бу борадаги ишларнинг қониқарли эканлиги эътироф этилгани ҳолда Мирзаобод, Сардоба, Ховос, Оқолтин туманларида катта-катта ҳудудлардаги томорқалар бўш ётганлиги танқид қилинди ва мавжуд имкониятлардан фойдаланиб камчиликларга чек қўйишга қаратилган бир қатор амалий таклифлар ўртага ташланди. Жумладан, аҳолининг шахсий томорқаларидан фойдаланишини таҳлил қилиб, шахсий томорқаларни ҳайдаб бериш ва текислаш ишларини ер участкаси эгаларининг талаби ва буюртмаси асосида белгиланган шартномага кўра жойлардаги муқобил МТПлар орқали бажариш, томорқа эгалари учун қулай жойларда ўғит ва уруғлик сотишга мўлжалланган шахобчаларни ташкил қилиш, томорқаларнинг сув таъминотини тегишли уюшмалар орқали амалга ошириш юзасидан таклифлар билдирилди.

Шу билан бирга семинарда аҳоли хонадонларида парранда боқишни ташкил этиш учун микрокредитлар ажратиш, паррандачиликни ривожлантириш юзасидан услубий қўлланмалар тайёрлаш ва уларни аҳолига етказиш, паррандаларга доимий ветеринария хизматини кўрсатиш, аҳолининг паррандалар учун вакцина ва бошқа дорилар харид қилишларини ташкил этиш учун аҳолига қулай жойларда ветеринария дорихоналарини очиш борасида билдирилган таклифлар семинар иштирокчилари томонидан қўллаб-қувватланди.

Тошпўлат ХАЙИТБОЕВ

ФЕРМЕРЛАР ЎҚУВИ

Тошкент вилояти

Янгийўл туманидаги узумчилик ва боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари томонидан етиштирилаётган турфа хил мева ҳамда узумлар нафақат туман, балки вилоят аҳлининг ҳам дастурхонини безаб турибди.

Ҳозирда фермерларнинг мўл ҳосил етиштиришга эришаётганида турли ўқув марказларининг ҳам ҳиссаси бор. Жумладан, айни кунда Тошкент Давлат аграр университети "Биомарказ"ининг Янгийўл тумани қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи қошидаги филиалида тумандаги фермер хўжаликлари раҳбарларидан 130 нафари малака оширмоқда. Бу ерда улар фаолиятда асқотадиган амалий билимларни ўзлаштирмоқдалар.

Ўқув-семинарларда иштирок этган фермерларга имтиҳон асосида сертификатлар топширилади.

СУРАТДА: *«Биомарказ»да фермерлар учун ташкил қилинган машғулот пайти.*



Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

* * *

Тўрткўл туманида ҳам фермерлар ўқув машғулотлари ташкил этилди. Унда тумандаги мавжуд 870 фермер хўжалиги раҳбарлари билим ва малакаларини оширди.

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ер эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, эркин фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш мақсадида қатор қонун ва қарорлар қабул қилинмоқда.

Мазкур ўқув машғулотларини ўтказишдан мақсад ҳам фермерларни бу борада амалга оширилаётган ишларнинг мазмун-моҳияти билан яқиндан таништириш, уларнинг малакасини ошириш, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги янгиликлар ва ўзгаришлардан бохабар этишдан иборат.

Қорақалпоғистон Республикаси

Тадбирда олим ва мутахассислар томонидан хўжалик юритиш тизими, янги қабул қилинаётган қонун ва ҳужжатлар асосида фаолиятни ташкил этиш, шартнома муносабатлари ва бухгалтерия ҳисоб-китобини олиб бориш юзасидан атрофлича маълумот ва тушунчалар берилди. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, фермерларга хизмат кўрсатувчи шохобчалар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, чорвачилик, паррандачилик, пиллачиликни ривожлантириш, бошоқли дон, боғдорчилик, полиз ва сабзавот экинларини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Машғулотлар сўнгида фермерларга махсус сертификатлар топширилди.

Бундай ўқув машғулотлари Қорақалпоғистоннинг барча туманларида бўлиб ўтмоқда.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

ХАЛҚАРО ХАБАРЛАР

ВЬЕТНАМда:

ДУК ХОНИМ ТАЪМАГИРЛИККА ҚАРШИ

AFP ахборот агентлигининг хабарига кўра, жорий йилнинг 21 январь куни Ханой шаҳрида яшовчи 75 ёшли Ле Хьен Дук исмли кампир Transparency International халқаро ташкилоти томонидан Вьетнамда порахўрликка қарши курашишдаги алоҳида хизматлари учун махсус мукофот билан тақдирланди. Ўтмишда мактаб ўқитувчиси бўлган бу аёл ўз умрининг қарийб 25 йилини порахўр амалдорлардан азият чеккан фуқароларнинг мурожаатларига маҳаллий ҳокимият мутасаддилари эътиборини жалб этиш ишига бағишлаган. Таъмагирлик ҳолатларига дуч келган кўпгина вьетнамликлар Ле Хьен Дукка ёрдам сўраб мурожаат қилишар эди. Ҳар бир мурожаат юзасидан аёл мутасаддиларга мактуб битар ва аксарият ҳолларда муаммонинг амалдор учун махсус "совға-салом"сиз қонуний ҳал бўлишига эришган. Дук хоним арзимаган миқдорда пенсия олгани ҳолда барча ёзишмалар учун почта харажатларини доимо ўз ҳисобидан тўлаб келган. Номаълум кимсалар бир неча бор кампирни "бирёқлик" қилишларини айтиб, қўрқитганлар. Шунда ҳам довюрак кампир таклиф этилган танқўрқчилар хизматидан бош тортган. "Мен бир кекса одамман, ҳозирча ўзимни эплаб юра оламан. Бордию ҳаётимга тажовуз қилсалар, кўп йиллик ишим тўхтаб қолишидан хавотирдаман", дейди у.

ИСРОИЛда:

ҚАМАЛ "ҚАССАМ"га ҚАРШИ ЧОРАМИ?

ИСРОИЛ ҳукумати Ғазо секторига нисбатан ўтган ҳафтанинг пайшанбасидан буён қўлланиб келинаётган "Ёқилғи-энергетика қамали"ни бекор қилди. Бундай чора қўлланилишига Ғазо секторидаги Сдерот шаҳри ва унинг атрофида "Қассам" қўлбола снарядлари портлатилиши тинмаётгани сабаб бўлганди. Кеча тонгдан бошлаб секторга газ ва дизел ёқилғиси ташувчи махсус автоуловлар йўл олганига гувоҳ бўлган кишилардан олинган маълумотлар асосида AFP агенлиги хабар тарқатган. 21 январь куни кечкурун Исроил мудофаа вазири Эхуд Барак халқаро ҳамжамият талабига биноан қамал қилинган ҳудудга табиий газ ва бошқа ёқилғи воситаларини келтириш юзасидан тақиқни бекор қилган. "Ёқилғи-энергетика қамали" жорий қилинган фурсатдан буён ҳудуддаги аҳоли яшайдиган турар-жойлар, касалхоналар, новвойхоналар ва маъмурий биноларни электр қуввати билан таъминлайдиган электр станция ёқилғи йўқлиги боис ўз фаолиятини тўхтатган эди.

АҚШда:

КЕСАТИҚ ОҲАНГИДА КЕЧГАН БАҲСЛАШУВ

МАМЛАКАТ президентлигига Демократлар партиясидан даъвогарлик қилаётган уч нафар номзод — Хиллари Клинтон, Барак Обама ва Жон Эдвардс душанба куни CNN телеканали орқали жонли эфирда баҳс ўтказишди. Жанубий Каролинада сайловолди овоз беришга 5 кун қолганда ўтказилган бу баҳслашув Клинтон хоним ва Обаманинг ўзаро гина-кудрат айтишувига айланиб кетди. Баҳслашув давомида турли мавзудаги шахсий айбловлар ўртага ташланди. Масалан, Обама ҳар доимгидек Клинтон хонимнинг эри Билл Клинтон мамлакат президенти бўлиб турган пайтда нотўғри сиёсат юритгани хусусида гап бошлаганди, Хиллари кескин оҳангда "Эътиборингиз учун айни пайтда эрим эмас, мен президентликка даъвогарман", дея унинг гапини бўлди. Обама эса кесатиқ оҳангида "Тўғрисини айтадиган бўлсам, сайловолди кампанияси давомида мен икковингиздан қай бирингиз менга рақиб эканингизни англолмаяпман" деди. Бу айтишув чоғида ўзини анча ноқулай сезган Жон Эдвардс телестудияга йиғилганлардан "Бугунги дебатда қатнашувчилар нечта ўзи? Уларнинг қаторида мен борманми ёки йўқ?" деб сўрашга мажбур бўлди.

Ушбу дебат-баҳслашув юзасидан ўтказилган ижтимоий сўров натижалари ҳали маълум эмас, лекин экспертлар CNN телеканали қошида очилган сайловолди кампаниясига бағишланган интернет-форум иштирокчиларининг фикрларига асосланган ҳолда Клинтон хоним ва Обаманинг ўзини тутиши сайловчиларда ёмон таассурот қолдирган, дейишмоқда. Интернет-форум иштирокчиларидан бири "Клинтон ва Обамага солиштирганда Эдвардс соғлом фикрловчи масъулиятли сиёсатдонга ўхшайди", дея фикр билдирган.

Интернет материаллари асосида М.ҚОСИМОВА тайёрлади.

Сўранг, жавоб берамиз!

Савол:

МАҲСУЛОТЛАР ҚАНДАЙ СОТИЛАДИ?

Бозордан маҳсулот харид қилганимда, сотувчилар товарни солиш учун "Идишингиз борми?" деб сўрашади. Ҳар доим ҳам ўзим билан идиш олиб юрмаслигим табиий ҳол. Шундай пайтда улар сотиб олган маҳсулотларимни салафан идишга жойлаб, бунинг эвазига ҳам пул талаб қилишади.

Ваҳоланки, улар сотиб олувчига товарни идишга солинган ҳолда топшириши керак эмасми?



Жавоб:

ТОВАР ИДИШДА ЁКИ ЎРАЛГАН ҲОЛДА ТОПШИРИЛИШИ ШАРТ!

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 414-моддасига мувофиқ, агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ва у мажбуриятнинг моҳиятидан келиб чиқмаса, сотувчи сотиб олувчига товарни идишда ёки ўралган ҳолда топшириши шарт, ўз хусусиятига кўра идишга жойлаш ва (ёки) ўрашни талаб қилмайдиган товар бундан мустасно.

Агар олди-сотди шартномасида идиш ва ўраш ҳақида талаблар белгиланган бўлмаса, товар бундай товар учун одатдаги усулда, у бўлмаганда — сақлаш ва транспортда ташишнинг оддий шароитларида бундай турдаги товарнинг сақланишини таъминлайдиган усулда идишга жойлаштирилиши ва (ёки) ўралиши лозим...

Ушбу кодекснинг 415-моддасига кўра, идишга жойланиши ва (ёки) ўралиши лозим бўлган товар сотиб олувчига идишсиз ва (ёки) ўралмаган ҳолда ёхуд тегишли идишга жойланмаган ва (ёки) тегишли даражада ўралмаган ҳолда топширилган тақдирда, агар олди-сотди шартномасидан, мажбурият моҳияти ёки товарнинг хусусиятидан бошқа ҳол келиб чиқмаса, сотиб олувчи сотувчидан товарни идишга жойлаштириш ва (ёки) ўрашни ёхуд тегишли бўлмаган идиш ва (ёки) ўрашни алмаштиришни талаб қилишга ҳақли...

Юз билан юзлашганлар

Жиззах вилояти

Бахти кулган МОМОМАН

Бир асрлик ҳаёт йўлини ортда қолдириб, юз биринчи баҳорни қаршилаётган бўлсам-да, ҳали соғлиғимдан шикоятим йўқ. Кайвони момо бўлиб давраларнинг тўрига чиққанимга ҳам қирқ йилдан ошди. Эл ҳурматини қозонмоқ — катта бахт. Мен бу бахтга ҳалол меҳнатим, оиламга, фарзандларимга меҳр-муҳаббатим туфайли эришдим, деб ўйлайман.

Умр йўлдошим Мамасобир Тўйчиев билан қарийб олтмиш беш йил турмуш кечирдик. Раҳматли чолим менга, фарзандларига жуда меҳрибон эди. Оилавий ҳаётимиз тинимсиз меҳнатда, лекин ўзаро ҳамжиҳатликда кечди. Чолим иккимиз етти ўғил ва икки қизни тарбиялаб вояга етказдик, эл қаторига қўшдик. Мана, бугун 52 нафар невара, 25 нафар чевара ва бир этак эваранинг бувисиман. Жигарбандларимнинг камолини, юртимизнинг жамолини кўриб, ўзимни бахтиёр ҳис этаман. Аввало Аллоҳга беадад шукроналар айтаман, қолаверса, бугунги тинчосуда, фаровон турмушимиз учун ҳукуматимиз, шахсан Юртбошимиз ҳақига дуолар қиламан.

Тўғриғ ўғлим Анорбой ёшлигидан деҳқончиликка меҳр қўйган. У кўп йиллар ғаллачилик ва мева-сабзавотчиликка иқтисослашган бригада бошлиғи бўлиб ишлаб, вилоятда ном қозонди. Қишлоғимизнинг обод бўлишида ҳам унинг ҳиссаси бор. Анорбой ўғлим давлатимизнинг олий мукофотлари билан тақдирланган.

Ўғлим Исожон бир умр чорвачилик билан шуғулланиб бой бўлганлардан бири. Абдуҳаким эса кўп йиллар ўқитувчилик касбини улуғлаб меҳнат қилди, ҳозир пенсияда. Яна бир ўғлим Равшанжон савдо ходими. Айни чоғда у тадбиркорлик қилмоқда. Бошқа ўғил-қизларим ҳам ҳаётда ўз ўрнини топган, турли соҳаларда ишлаб эл корига яраб юришибди.

Набираларимдан бири Абдусатторжон раҳматлик бобоси раҳбарлик қилган мактабда директор бўлиб ишлайди. Набира ва чевараларим ичида йигирмага яқин касб эгалари бор. Невара-чевараларимнинг ўн нафари от боқиб, чавандозлик қилмоқда. Тўқувчилик ва тикувчилик борасида донг таратган невара қизларим айни чоғда касаначиликни авж олдиришган. Улар ўзлари тайёрлаган маҳсулотларни чет элларга чиқариш орзусида.

2008 йилга Юртбошимиз ташаббуси билан Ёшлар йили деб ном берилиши менга жуда маъқул бўлди. Ахир ёшларга эътибор бу — келажакка эътибор, дегани-да.

Фарзандларим қаторида невара ва чевараларимнинг ҳам эл ишига яраб қолганидан бошим осмонда. Ахир бизнинг ортимизда қоладиган, эл-юрт олдида юзимизни ёруғ қиладиган нурли изларимиз шулар-да! Ана шулар ҳақида ўйласам ёшариб қолгандай бўламан.

Мендан узоқ умр кўришнинг сири нимада, деб сўровчилар кўп бўлади. Ҳар бир инсоннинг умри ўлчовли, бу ўлчовни қанча белгилаш Яратганнинг измида. Умрни мазмунли кечириш эса ҳар бир кишининг ўз инон-ихтиёрида. Аниқ билганим шуки, оиладаги тинчлик-тотувлик, ҳалол яшаш, покиза юриш, кўнгилдан чиқариб меҳнат қилиш, энг муҳими, одамларга меҳр бериб меҳр кўриш киши умрини узайтиради.

Ҳеч бир инсоннинг тақдир йўли бир текис бўлмайди. Нафақат мен, ҳатто фарзандларим ҳам ҳаётнинг пасту баланд йўлларидан ўтишди, яхши-ёмон кунларни кўришди. Қатағон йилларининг даҳшати, Иккинчи жаҳон уруши қирғинбаротлари, урушдан кейинги очарчилик, қаҳатчилик даврлари бошимиздан ўтди. Биз каби ёши улуғлар ўша аянчли даврларнинг тирик гувоҳи сифатида бугунги дориломон кунларни ҳар қанча қадрласак кам бўлишини замондошларимизга, ёшларимизга мудом эслатиб туришимиз лозим. Илоҳим, ёшларимиз, келажак авлодларимизга ундай кунларни кўргулик қилмасин. Мустақиллигимиз мустаҳкам ва абадий бўлсину, Ўзбекистонимизнинг довруғи ва обрўси янада юксалаверсин!

Банот ТЎЙЧИЕВА,
Ғаллаорол туманидаги Булоқбоши қишлоғи Чувуллоқ маҳалласи фуқароси.

Сурхондарё вилояти

Обод бўлган қишлоқлар

ЭЛ КОРИГА КАМАРБАСТА КИШИЛАР

Юртимизнинг барча жойларида бўлаётгани сингари Ангор туманида ҳам эл фаровонлиги йўлида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Кун-кунора қад кўтараётган маданий-маиший бинолар, сўлим хиёбонлар, кенг ва равон кўчалар туман кўркига кўрк қўшмоқда. Ангордаги еттита қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамида ўттиз олтита маҳалла йиғини фаолият кўрсатмоқда.

Фахриддин Қурбонов — Таллимарон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси. У бошчилик қилаётган йиғин таркибида еттита маҳалла мавжуд бўлиб, каттагина ҳудудни эгаллайди. Таллимаронлик деҳқонлар 250 та фермер хўжалигига бирлашиб, юрт равнақи йўлида меҳнат қилишмоқда. Йиғин ҳудудида пахтани қабул қилиш пункти, савдо ҳиссадорлик жамияти ва ғишт ишлаб чиқариш корхонаси фаолият кўрсатади. Бироқ бу аҳолини иш билан тўлиқ таъминлаш имконини бермайди. Шу боис янги иш ўринларини яратиш, айниқса, ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш масаласига маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари алоҳида эътибор қаратишмоқда. Ижтимоий ҳимоя йилида йиғин ҳудудида ғишт ишлаб чиқариш корхонаси, иккита пахта титиш цехи барпо этилиб, юз нафарга яқин ёшнинг иш билан таъминланганини бу борада олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижаси дейиш мумкин.

Ойтувган Рўзибоев, Бўронбой Ҳайдаров, Узоқ Абраев, Қўзимурод Сафаров, Саодат Қорахонова, Муҳиддин Хўжаёров, Мусулмонқул Қурбонов сингари маҳалла оқсоқолларининг ободончилик борасидаги ишлари диққатга сазовор. Уларнинг ташаббуси билан ўтган йили ҳар бир оиладаги киши бошига икки тўпдан мевали ва манзарали дарахт кўчати ўтказилган эди. Бу ибратли ишни жорий йилда ҳам давом эттириш ва анъанага айлантириш режалаштирилган. Эътиборлиси, кўкаламзорлаштириш, ариқ-зовурларни тозалаш, йўлларни таъмирлаш каби ишлар ҳашар йўли билан амалга оширилмоқда. Қиш мавсуми олдидан уч минг метр узунликдаги ариқ-зовурлар қазилиб, Гулистон, Хўжақия, Таллашқон, Тўлқин, Таллимарон, Гиламбоб, Хомкон маҳаллаларидаги ички йўлларга шағал ётқизилди. Ариқ бўйларига тўрт минг туп терак кўчати ўтқазилди.

Баҳодир Юсупов тумандаги 12 минг нафардан зиёд аҳолига эга бўлган Истиқлол қишлоқ фуқаролар йиғинига раислик қилади. У қишлоқ ҳудудида маҳалла маркази ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Туман ҳокимлиги бу таклифни маъқуллаб, марказ учун бино ажратиб берди. Тубдан қайта таъмирланган бинога қишлоқ йиғини ва Деҳқон-иттифоқ маҳалласи идоралари, 24-милиция таянч пункти жойлашди. Айни пайтда аҳолига маданий-маиший ва савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида Деҳқон-иттифоқ, Янги турмуш, Қорабоғ, Озод Бухоро маҳаллалари марказида гузарлар қурилиши жадал суръатлар билан олиб бориляпти.

Йиғинда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Муҳими, бундай хайрли ишларни амалга оширишда ҳомийлар ва фермерларнинг ёрдами катта бўлмоқда. Йиғин ҳудудида истиқомат қилувчи 315 та кам таъминланган оила, 169 нафар ногиронга фермер хўжаликлари ҳисобидан буғдой, озиқ-овқат маҳсулотлари мунтазам бериб борилади. 2007 йилда ночор оилаларга тўрт тонна ғалла тарқатилиб, 3 та ўрта-умумий таълим мактаби таъмирлаб берилди. Беш нафар беморга даволаниши учун ёрдам тариқасида 150 минг сўмдан накд пул ажратилди.

"Ангорпахта" ҳиссадорлик жамияти раиси Баҳодир Хўжақулов саховатпешалиги билан эътибор қозонган. У юздан ортиқ оилага беминнат ёрдам кўрсатди. Ҳиссадорлик жамияти қошидаги сартарошхона ва пойабзал таъмирлаш устахонасида кам таъминланган оилаларга бепул хизмат кўрсатилади. Баҳодир ака Ангор қўрғонида истиқомат қилаётган 5 та оиланинг турар-жойини таъмирлаб беришга, икки жуфт ёшнинг никоҳ тўйини ўтказишга бош-қош бўлди. Бундан ташқари, эҳтиёжманд оилалар фарзандларининг таълим олишлари учун ҳам ёрдам кўрсатиб боради. Умуман, тадбиркор хайрли ишларга ҳар йили 15 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратади.

Ҳа, бугун халқимизга хос тантилик, одамийлик ва саховатпешалик Баҳодир Хўжақулов сингари инсонларнинг эзгу амалларида намоён бўлиб, юртдошларимизни хайрли ишлар қилишга даъват этмоқда.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Олам турфа

САБР-ТОҚАТГА МУНОСИБ РАҒБАТ

АҚШнинг Техас штати Браунсвиль шаҳридаги тамаддихонада ишлайдиган Мелина Саласар исмли официантга хўрандалардан бири 50 минг доллар миқдоридаги пул маблағи ва "Бьюик" русумли машинани мерос қилиб қолдирди.

Мазкур тамаддихонада Мелина олти йилдан буён ишлайди ва шу давр мобайнида у талабчан хўрандалардан бири бўлган Уолтер Свордснинг барча инжиқликларига бардош берди. Лекин сўнгги пайтларда Сворс негадир тамаддихонага келмай қўйган эди.

Орадан бироз вақт ўтгач, бунинг сабаби ойдинлашди. Саласар маҳаллий газеталардан бирида Уолтернинг ўлими ҳақидаги таъзияномани ўқиб қолди.

Маълум бўлишича, Уолтер 89 ёшида қариялар уйида вафот этибди.

"Уолтер жуда инжиқ хўранда эди. У билан муомала қилиш, кўнглини топиш жуда мушкул бўлишига қарамай, доимо сабрли бўлганман", — дейди Мелина.

Кўп йиллик сабр-тоқати эвазига зое кетмади. Негаки, Свордс ўлими олдидан бор мулкини, миннатдорчилик тариқасида Мелинага мерос қилиб қолдирди.

ДАФН МАРОСИМИДА ТИРИЛГАН МУРДА

Чилининг Ангол қишлоғида истиқомат қилувчи 81 ёшли Фелиберто Карраско исмли қарияни қариндошлари тириклайин дафн этиб юборишларига бир баҳя қолди, дея хабар беради маҳаллий оммавий ахборот воситалари.

Маълумотларга кўра, бу нохуш воқеа кекса Фелиберто қариндошларининг шошқалоқлиги туфайли содир бўлган. Улар беҳуш ётган қарияни кўриб, зудлик билан шифохонага эмас, балки дафн маросимини уюштирувчи агентликка мурожаат қилишган.

Дафн маросимида "тирилган" қария ўзини бундай аҳволда кўриб, бироз ҳайрон бўлди. Сўнгра соғлигидан шикоят ҳам қилмай, бир стакан сув беришларини сўради, холос. Бироқ Карраскони нинг "тирилиши" қариндошларини эсанкиратиб қўйди. Қариндошлардан бирининг айтишича, у дастлаб амакисининг тирилганига ишонмабди. Ҳақиқатни англагач эса, йиғлагани ча Фелибертони тобутдан чиқариш ҳаракатига тушибди.

Бу орада қишлоқ аҳолисини чолнинг ўлимидан хабардор қилишга улгурган маҳаллий радиода ҳам тарқатилган ахборотнинг нотўғри эканлиги ҳақида хабар берилди.

Кўрик-танлов якуни

"МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНУР ВАТАН"

Тошкент Фотосуратлар уйида шу мавзудаги кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Хусусан, айни пайтда аҳоли масканларининг обод этилиши, замонавий гузарлар, кўркам иншоотлар қурилиши, фуқаролар, айниқса, хотин-қизларнинг давлат ва жамият ишларида фаоллиги оширилиши, касаначилик, фермерлик фаолиятининг йилга қўйилиши маҳаллаларда амалга оширилаётган замонавий ислоҳотлардан дарак берса, миллий қадрият, урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта қадр топиши, асраб-авайланиши ўтмишимизга, миллий меросимизга ҳурмат ва эъзозни англатади. Шу маънода "Маҳалладан бошланур Ватан" республика фото кўрик-танлови орқали маҳалланинг ўтмиши ва бугуни мужассамлаштирилиб, фотография санъати воситасида тизим фаолиятини, унинг ўзига хос қирраларини очиб бериш ва оммалаштиришга эришилди, деб айтиш мумкин.

Тошкент Фотосуратлар уйида мазкур кўрик-танлов ғолибларини тақдирлашга бағишлаб ўтказилган маросимда ҳам шундай эътирофлар тилга олинди. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов, Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Турсунали Қўзиев кейинги йилларда ҳам мазкур кўрик-танловни анъанавий тарзда ҳамда янада кенг қамровда ташкил этиш лозимлиги хусусида ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Шундан сўнг кўрик-танлов ғолиблари номи эълон қилинди. Унга кўра, бош совринга газетамиз фотомухбири Руслан Галиев "Маслаҳатчи — ёшларга ғамхўр" мавзусидаги фотоасари учун сазовор бўлди. Биринчи ўринга самарқандлик фахрий фотоижодкор Василий Болотов "Донишманд" фотоасари учун, иккинчи ўринга Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси Рустам Шарипов "Маҳаллада тўй" ижодий иши учун, учинчи ўринга "Санъат" журнали бош муҳаррири Нодир Норматов "Кичик ошпаз" мавзусидаги ижодий иши учун муносиб топилди.

Ғолибларга диплом ва мукофотлар топширилди. Шунингдек, уч нафар фотоижодкор — Владимир Гончаренко, Зилола Саидова ҳамда Раиля Ханиповалар кўрик-танловдаги намунали иштироки учун махсус диплом билан тақдирланди.

МУХБИРИМИЗ



СУРАТЛАРДА: *(чапда) кўрик-танловнинг 2-ўрин совриндори Р.Шарипов;*
Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раиси А.Аҳмедов кўрик-танловнинг 3-ўрин соҳиби Н.Норматовга диплом топширмоқда;
танловнинг намунали иштирокчиси, деб топилган фотоижодкор В.Гончаренко.

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Эй, сиз одамлар, эсиз одамлар-а!..

БИРОВНИНГ МУЛКИ БУЮРМАЙДИ!

Бировнинг мол-мулкига эга чиқиш учун ҳар кўйга тушадиган нокас кимсалар ҳаётда учраб туриши ҳеч кимга сир эмас. Аммо мол-мулк илинжида бир эмас, икки кишининг умрига зомин бўлиш — инсон зотига иснод келтирадиган ваҳшиёна жиноят. Нафс балоси, очкўзлик маҳалла-кўй ўзига бош-қош деб эъзозлаган ҳурматли бир кишини тубан кимсага айлантириб қўйди. Аслида бу воқеани ортиқча изоҳларсиз баён қилишнинг ўзиёқ жиноятчининг нақадар тубанлашганини ва инсонийликдан йироқлашганини ифодалаш учун етарли бўлади...

...Николай Васильев оиласи барбод бўлиб, собиқ хотини ва ўғли қўшни республикага бутунлай кўчиб кетгач, Тошкентнинг Юнусобод туманида жойлашган уйида ёлғизланиб қолди. Кунларнинг бирида тақдир тақозоси уни Татьяна Бродскаяга йўлиқтирди. Бу аёл яқиндагина Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманидаги Озодлик қишлоқ фуқаролар йиғини Озодлик бекати маҳалласи ҳудудидан ҳовли сотиб олгану, лекин Николай каби сўққабош бўлгани боис турмушидан кўнгли тўлмай яшарди. Икки ёрти бир бутун бўлдими, ҳар қалай, Николай аёлникига кўч-кўрони билан кўчиб борди. Кўп ўтмай Татьянанинг "меҳмони" ён-веридаги қўни-қўшнилар билан танишиб олди. Жумладан, шу маҳалла йиғини раиси Эркинбой Юлдашев билан ҳам. Бир кўрган таниш, икки кўрган билиш деганларидек, оқсоқол бу ҳовлига тез-тез кириб турар, содда Николай маҳалланинг "каттаси" ўзига ҳамсуҳбат бўлганидан руҳланиб, унга бошидан ўтган ҳангомаларни сўзлаб берарди. Шу орада Николайга собиқ хотини Иринадан ўртадаги мулк — пойтахтдаги уйни сотиб, пулини бўлишиб олиш ҳақида таклиф етиб келди. Николайга олди-сотди жараёнида иштирок этиш, энг муҳими, сотилган уйнинг пулидан ўзининг улушини эсон-омон олиб қайтиш учун бир ишончли ҳамроҳ керак эди. Шунда у Эркинбойдан ўзига ҳамроҳ бўлишни илтимос қилди.

2006 йил 21 декабрь куни уй сотилди, Николай ўзининг улуши 5900 АҚШ доллари миқдоридаги маблағни олди-ю, ҳамроҳи билан Оҳангаронга қайтди. Николайдек бўш-баёвгина одамнинг қўлига шунча катта маблағ тушганини кўрибоқ Э.Юлдашевнинг нияти бузилди. У Николайга бу пулга трактор сотиб олса ва уни ижарага берса, мўмай даромад топиши мумкинлигини, бу ишда унга ўзи ёрдам беришини қайта-қайта уқтирди. Хуллас, Эркинбой нима қилиб бўлса ҳам Николай ва Татьянанинг ишончига кирди. Эртаси куни Николай унинг қўлига 5000 АҚШ доллари трактор олиш учун, яна юз минг сўмдан ортиқ маблағни телевизор олиш учун тутқазди. Эркинбой Николайга телевизор келтириб берди-ю, сотиладиган трактор топилмаётганини баҳона қилиб катта маблағни қайтармади. Аслида у на Николай учун тарктор сотиб олишни, на пулни қайтаришни ўйлаётган эди. Аксинча у 24 декабрь куниёқ ўша маблағга Тошкентдаги Сергели машина бозоридан давлат белгиси 11 Z бўлган 68-39 рақамли "Дамас" автомашинасини ҳарид қилиб, ўз номига расмийлаштириб олган эди.

Трактор харидидан дарак бўлавермагач, 2007 йил 10 январь куни Татьяна Эркинбойни уйига таклиф қилиб, маслаҳатли ҳал борлигини айтди. Эркинбой бу "маслаҳатли гап" нима ҳақда бўлишини англаб турарди, лекин у осонгина чангалига тушган автомашинадан асло айрилмоқчи эмасди. Бордию, шу икковидан қутулишнинг бирон чорасини топса-чи? Кечга яқин у бир шиша "Экстра" ароғини олиб Татьянаникига борди. Афсуски, Татьяна ҳам, Николай ҳам ичкиликка бефарқ эмасдилар — бир соатлик маишатдан сўнг иккови ҳам ғирт маст ҳолда чўзилиб қолишди. Ана шунда Эркинбой мол-мулк, очкўзлик балоси вужудида уйғотган ваҳшийликка эрк берди...

Аввал у Николайни гумдон қилиш учун асқотадиган бирон буюм ахтарди. Ҳеч нарса топилмагач, диванда маст ҳолда ётган Николайнинг ...юзига ўтириб олди. Бўғилиб қолган бечора бир неча марта оёқларини тапиллатди-ю, чалажон бўлди-қолди. Шу тобда инсонлигини унутиб, жирканч махлуққа айланган эди бу Эркинбой дегани. У Николайнинг ўлганига ишонч ҳосил қилиш учун дераза токчасида турган электр симини олди-да, бир учини деворга ўрнатилган розеткага тиқди, симнинг иккинчи учини эса чалажон Николайнинг икки товони, болдирларига кетма-кет теккизди. Николайнинг танасида ҳаёт нишонаси қолмагач, жиноятчи ошхонага ўтди, бу ерда Татьяна ҳам маст ҳолда столга бошини қўйганча ухлаб ётарди. Электр сими яна қуролга айланди — аёлнинг жон таслим қилиши учун бир учи розеткага уланган симнинг сонлари ва қўлларига теккизилиши кифоя қилди...

Жиноятчи энди мурдалардан қутулиш режасини тузди, ўз уйига бориб, фириб эвазига ўзлаштирган "Дамас" машинасини ҳайдаб келди. Буни қарангки, Николайнинг пулига сотиб олинган автомашина унинг ўлимига сабаб бўлгани етмагандек, жонсиз танасини йўқотишда ҳам жиноятчига қўл келди. Икки мурдани автомашинага юклаган жиноятчи уйдаги иккита "Sony" ва "Рекорд" русумли телевизорларни ола кетишни ҳам унутмади...

Жиноятчи энди мурдалардан қутулиш режасини тузди, ўз уйига бориб, фириб эвазига ўзлаштирган "Дамас" машинасини ҳайдаб келди. Буни қарангки, Николайнинг пулига сотиб олинган автомашина унинг ўлимига сабаб бўлгани етмагандек, жонсиз танасини йўқотишда ҳам жиноятчига қўл келди. Икки мурдани автомашинага юклаган жиноятчи уйдаги иккита "Sony" ва "Рекорд" русумли телевизорларни ола кетишни ҳам унутмади...

Николай ва Татьянанинг мурдаси шу кеча Эркинбой исмли ваҳшийнинг гаражида эски-туски қоплар тагида қолди. Эртаси куни жиноятчи ҳеч гап бўлмагандек эрталабдан кечгача ишда бўлди. Кечки овқат пайтида ўғли Акмалга тайинлади: "Овқатингни тезроқ еб ол, бир жойга ўтиб келамиз..." Ўғли овқатлангунича гаражга кириб, мурдаларни яна машинага жойлаётган эди, унга гўё Николай оҳиста нафас олаётгандек туюлди. Шу заҳотиёқ электр сими яна "ишга тушди". Йўқ, Николайнинг танасида жондан асар йўқ, мурда аллақачон қотиб, оғирлашиб қолганди. Уни машинага юклаш осон бўлсин учун икки қўли ва чап оёғини ип билан чирмаб боғлади.

Бир оздан сўнг икки бечоранинг мурдаси ортилган "Дамас" Узар қишлоғи орқали Тошкент—Олмалиқ автойўлига чиқди. Жиноятчи Шодмалик қишлоғи қабристонидан ўтиб, автойўлнинг Дўстлик қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтган 42-чақиримида машинани тўхтатди. Катта йўлда қатнаётган машиналар сийраклашгач, Николайнинг мурдасини йўлнинг ўнг томонидаги бетон тўсиқдан ошириб улоқтирди. Татьянанинг мурдасини эса Тўйтепа—Оҳангарон автойўлининг 13-чақиримида бўйлаб жойлашган "Маърифат ўғли Сафар" номли фермер хўжалиги экин майдонига ташлаб кетди. Жиноятчи уйга қайтар экан, ўғлига кўрганлари ҳақида бировга лом-мим демасликни қатъий тайинлади...

Қотилнинг қилмиши тез орада фош бўлди. 2007 йил 27 апрель куни ушбу жиноят ишини судья Ҳ.Ҳожиев раислигида кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди 1953 йилда Наманган вилоятининг Чуст туманида туғилган, саккиз нафар фарзанднинг отаси, кейинги ўн йил мобайнида Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги Озодлик бекати маҳалласи фуқаролар йиғинига раислик қилиб келган Э.Юлдашевни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 59, 97, 164, 168-моддаларининг тегишли бандлари бўйича айбдор деб топди ва уни 20 йилга озодликдан маҳрум этиш ҳамда жабрланувчи Н.Васильевнинг яқин қариндошларига 5 млн. 691 минг сўм миқдорида моддий ва маънавий зарар ундириш хусусида ҳукм чиқарди.

Жиноятга жазо муқаррар. Нафс балосига учраб, шайтон қутқусига учган бундай кимсаларнинг эларо шарманда-шармсорлиги, маънавий таназзули қалбимизда афсус-надомат уйғотса-да, тўғри хулоса ясашга ундайди: "Бировнинг мулки бировга буюрмайди!"

А.ҲОЖИЕВ,
Тошкент вилояти прокуратураси Жиноятларни тергов қилиш бўлими алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси;
М.ҚОСИМОВА,
журналист.

Муштарий илҳоми

РУБОБСОЗ...

Уста Раҳим рубобсоз,
Камтар, софдил, феъли ёз,
Отамакон Чиғатой —
Асли ундайларга бой.

Уста Раҳим рубобсоз,
Соз ясади кўп ва соз.
Дутор, рубоб хушоҳанг,
Машшоқлар деди "Яшанг!"

Уста Раҳим рубобсоз,
Ўзи ҳам чертганда соз:
Жонсизга ҳам кирар жон
Шу-да қайғу кетар он!

Уста Раҳим рубобсоз,
Эларо топиб эъзоз
Дер: "Ёғоч кирса тилга
Ноласи даво дилга!.."

Ю.ФАРҒОНИЙ,
Тошкент шаҳри Ҳамза туманидаги Илтифот маҳалласи фаоли.

Китоб жавонингизга

МАҲАЛЛА ТАЛҚИНИДА ТЎҒРИ СЎЗ

Таниқли адиб Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг "Ўзбек маҳалласи" номли рисоласи нашрдан чиқди

Мустақиллик туфайли фуқароларимизнинг дунёқараши, тафаккури тубдан ўзгарди, ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошди. Ватандошларимизнинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиши эса ўз навбатида жамиятимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик институтларини шакллантириш билан чамбарчас боғлиқ.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш аввало ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ муайян масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказа боришни кўзда тутади.

Фуқаролик жамиятининг ноёб ва бетакрор миллий институти бўлмиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар фақатгина бизнинг халқимиз турмуш тарзига, жамиятимиз ҳаётигагина хос миллий демократия мактабидир. Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримовнинг бевосита ташаббуси билан Ўзбекистонда маҳалла институти том маънода янги даврга одим қўйди.

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида маҳаллалар, фуқаролар йиғиналарининг нафақат обрў-эътибори, айни чоғда ваколат доираси ва масъулияти қўлами ҳам кенгайиб бормоқда.

Кези келганда, Ғарбдаги айрим сиёсатдонларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг ушбу ўзига хос, халқчил ва демократик институти моҳиятини чуқур тушуниб етмай, уни ўзларича "талқин" этган ҳоллар учраётганини эслатиш жоиз. Халқимизнинг "Билганинг дарё бўлса, билмаганинг — денгиз", деган мақоли нақадар ҳаётий ҳикмат эканлигига шундай ҳолатларда яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Ҳар қандай воқеликнинг асл мазмун-моҳиятини англамасдан, тарихи, бугуни ва истиқболини ўрганмай туриб, бу ҳақда билағонлик қилишга интилган одам, содда қилиб айтганда, ўзини уятга қўяди, холос.

Маҳалла тизимини таҳлил ва талқин этишнинг битта йўли бор — бу ҳам бўлса аввало, маҳалла муҳитида яшаш, маҳалла тизимининг моҳиятини, нечоғли ҳаётийлигини наинки англаш, балки қалбан ҳис этиш ва ниҳоят уни холис ният билан, яъни, тўғри кўз ва тўғри сўз билан тадқиқ этишдан иборат. Таниқли адиб Абдуқаҳҳор Иброҳимов ана шу талаб ва мезонларга тўла жавоб берадиган, маҳалла институти фаолиятига бағишланган қатор мақолалар, рисолалар муаллифидир.

Яқинда адибнинг "Маънавият" нашриётида чоп этилган маҳалла ҳаёти ва фаолиятига бағишланган "Ўзбек маҳалласи" номли янги рисоласи фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, ўзини ўзи бошқариш тизими Ўзбекистон учун тарихан хос бўлган миллатлараро, динлараро, маданиятлараро тотувлик ва бағрикенглик ғоялари ҳамда демократик қадриятларни қарор топтиришга хизмат қилаётгани хусусидаги билим ва тушунчаларимизни янада бойитиши шубҳасиз.

Ушбу мўъжаз рисолада маҳалла ҳаёти, маҳаллаларда ўтадиган турли маросимларнинг моҳияти ва аҳамияти, кейинги йилларда маҳаллаларимиз янада обод бўлиб бораётгани, янги урф-одатлар турмушимизга кириб келаётгани ҳақида равон ва қизиқарли тилда ҳикоя қилингани унинг мароқли ўқилишини таъминлайди.

Холида САИДОВА,
Тошкент Давлат юридик институти аспиранти.

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Ҳафта ижобий ўзгаришлардан бошланишига шубҳа йўқ. Аввалларги ғояларингизга жиддий ёндашмаган инсонлар бугал сизни қўллаб-қувватлашади.

СИГИР(22.04-20.05)
Мазкур бурж вакиллари амалга оширишни режалаштирган лойиҳалар шу кунларда мўмай даромад келтириши кутилмоқда. Энг муҳими, бу ютуқлардан манмансираб кетманг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Айни кунларда юзага келадиган вазиятлар сизни зериктириб қўймайди. Ҳафтанинг иккинчи ярмида кўпроқ ижодий фаолият билан машғул бўласиз.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)
Ҳафта давомида тўғри йўл тутаётганингизга яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Ва шу орқали яқин инсонларингизга кўтаринки кайфият бағишлашингиз мумкин.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Ушбу ҳафта сиз учун ҳар соҳада янги имкониятлар эшиги очилиши мумкин. Шу боис фаолиятда янада фаоллашишингизга тўғри келади.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Айни кунларда сафарга чиқиш, муҳим қарорлар қабул қилиш ва ҳамкорлик юзасидан турли инсонлар билан мулоқотда бўлишингиз кутилмоқда.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Ҳафта давомида турли муаммоларни ҳал қилиш билан банд бўласиз. Шунга қарамай, ушбу бурж вакилларининг аксариятида ижод қилиш истаги кучаяди.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Мазкур ҳафтанинг биринчи ярмида ишларингиз кўпайиб кетиши мумкин. Бироқ қўшимча даромад топиш тўғрисида жиддий ўйлаб кўришни ҳам унутманг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Шу кунларда уйингизни таъмирлаш ва шунга ўхшаш маиший ташвишлар билан банд бўласиз. Уларни ҳал қилишда имкониятингизга қараб иш тутинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Ҳафта бошида яқин кишиларингиз эътиборига муҳтож бўласиз. Улар билан маслаҳатлашиб амалга оширган ишингиз муваффақият қозониши мумкин.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Ҳаётингиздаги энг муҳим воқеалардан бири ушбу ҳафтада юз бериши кутилмоқда. Жума куни молиявий муаммоларнинг ечимини топишга ҳаракат қилинг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Дўст танлашда эҳтиёткор бўлинг. Айниқса, шу кунларда бу ҳаётингизда муҳим ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкин. Шанба куни хушхабар эшитасиз.

Навоий вилояти Оқсоқоллар кенгаши "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими Навоий шаҳридаги Зарафшон маҳалласи фуқаролар йиғини раиси **Анор ШЕРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳри

Кетма-кет ёққан қор болажонларга кувончли дамларни туҳфа қилмоқда. Шу боис айни кунларда маҳалла-кўй, турар-жой ҳовлилари атрофини ўйинқароқ болаларнинг шодон кулгу ва қийқириқлари тутган. Буни ҳисобга олиб мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларнинг табиат қўйнида маза қилиб ҳордиқ чиқаришлари учун махсус машғулот соатлари ажратиляпти. Чилонзор туманидаги 294-сонли болалар боғчасининг 130 нафар тарбияланувчиси ҳам қишни ана шундай мароқли ўтказишмоқда.

СУРАТДА: *тарбиячилар Людмила Трупова (ўнгда) ва Лилия Габазова муассаса тарбияланувчилари билан.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Ҳикматларда ҳақиқат

** Минг тез югургани билан қаноти чиққан, бировнинг кўнглини оғритиб муроди ҳосил бўлган одамни кўрганим йўқ.*

** Дўстим йўқ, десанг, дўстинг бўлмайди, тинчим йўқ, десанг, тинчинг бўлмайди, ҳеч нарсам йўқ, десанг, ҳеч нарсанг бўлмайди.*

** Ҳар қанча иложсиз қолсанг-да, мўрт нарсани қалқон қилма.*

** Севганмисиз, лоақал ошиқларнинг кўзларини кўрганмисиз?!*

** Кўрсатган йўлинг узунми, қисқами, менга барибир. Муҳими адаштириб қўймасанг бўлгани.*

** Ўрни келганда тиз чўкишлик ҳам жуда гўзал.*

** Эшикнинг борлиги ундан ҳамма кириб-чиқиши мумкин дегани эмас.*

** Овга чиққаннинг ўлжа бўлиш эҳтимоли ҳам бор.*

** Ёмонликнинг биринчи ва энг катта аломати биров қилган яхшиликни билмасликдир.*

** Адашиш қўрқинчли эмас, адашганини тан олмаслик қўрқинчлидир.*

Мансурхон ТОИРОВ

Мўжизакор дунё

САМОЛЁТ БОРТИДАГИ КАМЁБ СУДРАЛУВЧИЛАР



Reuters ахборот агентлигининг хабар беришича, Вьетнам аэропортига келиб қўнган самолётлардан бирининг бортида табиатда кам учрайдиган бир тоннага яқин илонлар топилган.

Аниқланишича, Бангкок—Ханой йўналиши бўйича учган мазкур самолёт бортидаги 60 тача қутига илонларнинг махсус қўриқланадиган ноёб турлари жойлаштирилган экан.

Тахминларга кўра, судралувчиларни Вьетнам орқали бошқа давлатга олиб ўтишга уринишган. Қизиғи шундаки, сўнгги икки ой давомида Ханой аэропортида ана шундай воқеа иккинчи маротаба содир бўлмоқда. Биринчи марта қўлга киритилган илонларнинг оғирлиги 700 килограммга тенг эди.

ЭЛЕКТРОН КОНТАКТ ЛИНЗАЛАР

АҚШнинг Вашингтон университети олимлари микросхема ўрнатилган контакт линзаларни тажриба қўёнчаларида синаб кўришди. Йигирма дақиқа давом этган тажриба давомида бу турдаги линзалар ҳайвонларга ҳеч қандай зарарли таъсир кўрсатмади.

Аввалари ҳам олимлар электрон линзаларни яратиш устида бош қотиришган эди. Бироқ линза таркибига ноорганик моддалар, хусусан, токсик моддалар ва металл қўшилиши зарур бўлганлиги боис бу борадаги изланишлар тўхтатиб қўйилган эди. Олимлар бу сафар ўта нозик схемаларни яратиш орқали аввалги тўсиқларни бартараф этишга муваффақ бўлишди.

Тахминларга кўра, келгусида бундай линзалардан инсонлар ҳам фойдлана бошлайдилар. Электрон линзалар айниқса, техника воситаларидан фойдаланадиган мутахассислар ва ҳарбийларнинг фаолиятида жуда қўл келади. Университетнинг сайтида берилган маълумотларга кўра, ушбу линзаларнинг "кўриш қобилияти" оддий одамларникидан анча юқори бўлиб, анча узоқдаги нарсаларни кўриш имкониятига эга.

Аммо ҳозирда чиқарилаётган линзаларда бундай имкониятлар мавжуд эмас. Мутахассислар кўриш қобилиятини яхшилайдиган электрон линзаларни ҳозирча оммавий ишлаб чиқаришга киришишгани йўқ.

Ҳаётдан олмасанг сабоқ...

Икки дўст бозорни роса айланишди, лекин ҳаммоллар орасидан «куёв»ни топишолмади. Йигитлардан бири унинг ишим юришмаяпти, Тошкентга кетсаммикан, деб юрганини айтиб қолди. Пойтахт бозорларидаги беш кунлик қидирувдан сўнг ниҳоят «куёв» топилди. Аммо у ўламан саттор, қайтиб рол ўйнамайман, деб оёқ тираб туриб олди.

ЁЛГАНМА КУЁВ

(Воқеий ҳикоя)

...Сардор Салимовичнинг боши қотган. На еб-ичишида, на ётиб-туришида ҳаловат бор. Кўнгил майлига берилиб қилиб қўйган ишидан энди минг пушаймон. Шу Дилбархон ишга келди-ю, унинг хаёли бўлинди. Қиз тушмагур шунақаям ҳурлиқо-ки, бир боқишда ҳар қандай кишини ҳам маҳлиё қилади. Сардор оиласи, уч нафар ўғлини ўйлаб эҳтиросга берилмасликка интилса-да, қизнинг ноз-карашмаси олдида ўзини жуда ожиз ва нотавон сезарди. Аҳвол шундай давом этаверса, бирон кор-ҳол юз бериши мумкинлигини сезиб, қизни бўлимга ўтказиб юборди. Бироқ бу тадбир ҳам иш бермади — Дилбархон қўли бўшади дегунча қабулхонада пайдо бўлар, бошлиқнинг эътиборини тортиш учун ноз-ишваларни ҳаддан оширарди.

Сардор омади чопган йигитлардан. Мол-давлати, мансаби, ширингина оиласи бор. Қишлоқда туғилиб-ўсган хотини шаҳарга ҳеч ўргана олмади. "Менга қишлоқ дуруст экан, бу ерда сиқилиб кетдим. Болаларни соғинсангиз, машина бор. Хабар олиб турарсиз," — деб қайтиб кетди. Сардор кечалари ишдан ҳориб қайтганда хотини ва болаларини қўмсар, бундай зерикарли ҳаётдан безган пайтлари эса хаёлига бўлмағур фикрлар ҳам оралаб қоларди.

Ҳамма бало ўша кунги "маёвка"дан бошланди. Автобус кечқурун ҳаммани бошқарма олдидаги майдонга туширди. Ҳориб-чарчаган ишчилар тезроқ уйларига етиб олиш учун шошилишарди. Дилбархон ҳадди сиғиб, бошлиқдан уйига ташлаб ўтишларини илтимос қилди. "Ҳозир идорадан зарур қоғозларни олиб чиқай, мен ҳам туманга жўнамасам бўлмайди, сизни ҳам йўл-йўлакай ташлаб ўтамиз" дея Сардор машинани тўппа-тўғри "дом"га ҳайдашни буюрди. Бироқ етиб келгач, қизни меҳмонга таклиф қилди. Дилбархон ҳам шуни кутиб тургандек дарров рози бўла қолди...

Эрталаб қиз ўзимни ўлдираман, деб қўрқитди, йиғлаб жанжал кўтарди. Уни тинчлантиргунча Сардорнинг она сути оғзига келди. Каттакатта ваъдалар берди, ташлаб қўймаслигини айтиб қасам ичди, хуллас, бир амаллаб тинчлантирди. Шу воқеадан сўнг Дилбархон икки-уч кун ишга чиқмади. Дугоналарига овқатдан заҳарланибман, мазам қочиб қолди, деб баҳона қилди. У одамлар кўз ўнгида аввалгидек юрсада, пайт пойлаб Сардорнинг кабинетига кирар, инжиқлик қилиб, айтганини қилдирарди. Шармандаликдан ва амалини бой бериб қўйишдан қўрққан бошлиқ эса чидашга мажбур. Дилбархон ҳомиладорлиги маълум бўлгач, тезроқ уйланмасангиз бўлмайди, деб туриб олди.

— Ўйлаб гапиряпсизми? Ахир мен оилали, бола-чақали одамман, — деди Сардор.

— Бу ҳақда аввалроқ ўйлаш керак эди. Мабодо, сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлсангиз, ўзингиздан кўринг, — бўш келмади қиз ҳам. Бу пўписалари билан у корчалон амаки-тоғаларини назарда тутаётган эди.

Сардор бир неча кун ўз ёғига ўзи қовурилиб юрди. Ниҳоят дўсти Саидга ёрилди. Ҳар қандай муаммони бир зумда ҳал қилишга қодир бўлган уддабуррон ва устаси фаранг дўсти ҳам қизнинг ким эканлигидан хабар топгач, бироз ўйланиб қолди.

— Дўстим, жуда баланд дорга осилибсан-да, ўзиям. Ҳайронман, бунинг қандай иложини топамиз.

— Жўражон, бир йўлини қилмасанг бўлмайди. Охирги умидим сендан.

Саид Дилбархонга ошиқу беқарор бўлган йигитлардан бири билан гаплашди. Йигитча жонжон деб уйланишга рози бўлди. Аммо қиз унинг обрў-эътиборли оила фарзанди эканини рўкач қилиб, таклифни рад этди. Тўйдан кейин ҳаммани олдида шарманда бўламанми, деб аюҳаннос солди.

Хуллас, бошқа чора топилди, совчилар йўлга тушди. Бўлиб ўтган воқеалардан тамоман бехабар ота-оналар "қизимиз ҳали ёш" деб роса осмондан келишиб, тарозиларига ҳеч қандай тош босмайдиган юк қўйишди. Совчилар неча-неча ковуш-махсисидан ажрашгандан кейингина ниҳоят тўйга розилик билдиришди. Тузилган "сценарий" бўйича бозорга чиқиб "куёв" танланди. Пинҳона суҳбатлашилган йигитларнинг ҳеч бири таклифга рози бўлмади. Ниҳоят бўй-басти келишган, ўктамгина бир йигит мўмайгина пул эвазига "куёв" бўлишга кўнди. "Куёв"ни бозорга олиб тушиб, ясантиришди. Дабдабали тўйга казо-казо меҳмонлар, таниқли санъаткорлар ташриф буюришди. Кимдир бу тантанадан беҳад хурсанд, сир очилиб қолишидан қўрққан кимнингдир эса ичига чироқ ёқса, ёришмасди. "Куёв" зарбоф тўнни ечгач, ваъда қилинган пулни чўнтакка урди-ю, ўз йўлига равона бўлди.

Икки ойдан сўнг келин томондагилар чорлар кунини маълум қилишди. Сардор билан Саид яна оёғи куйган товуқдек ҳаммоллар бозорига чопишди...

"Дунё — шайтоннинг дўкони" дейишади. Шайтон қутқусига бир бор учган киши бу қилмиши унга қанчалик қимматга тушиши мумкинлигини балки ўша тобда англаб етмас. Қизиқ, Сардор қачонгача гуноҳини яшириб юришга муваффақ бўларкин? Ахир, қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади, деб бежиз айтишмаган-ку. Дилбархон-чи? У аёллик шаънига номуносиб иш қилганини, бу билан ўзи ва яқинларини уятга қўйганини тушуниб етдимикан?

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ

Б.КАЛОНОВ чизган расм.

Аудиторская фирма "INTEL AUDIT" Мирабадского района г. Ташкента преобразуется в ООО. В связи с этим уставной фонд уменьшается с 5450000 до 2175000 сум. ОКПО 18726128 ИНН 204204686. Претензии принимаются по тел: 103-27-14.

Тошкент Фармацевтика Институти томонидан 1998 йил 20 июнда Мирсабитов Миркабил Миралимович номига берилган № 206420 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Частная фирма "MAHMUD-MUHAMMADJON SAVDO" М.Улугбекского района г. Ташкента ликвидируется. Код по ОКПО 20297775, ИНН 205745550.

Претензии принимаются в течении 2-месяцев со дня публикации объявления по тел: 337-46-89.

Утерянный диплом Г 122663 выданный СПТУ-39 г. Ташкента на имя Киляковой Ирины Федоровны считать не действительным.

Утерянный паспорт выданный Кибрайским РОВД Ташкентской области в районе Кибрая 20 октября 2007 года на имя Тикашев Абдувохит Абдухакимович вернуть за вознаграждение по тел: 787-34-86.

ООО "MONTENEGRO" возобновляет свою деятельность.
Объявление опубликованное в газете "Mahalla" 12 декабря 2007г. о самоликвидации ООО "MONTENEGRO" считать анулированным.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) **Мавлуда ҚОСИМОВА,** (масъул котиб) **Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.**

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, ҳат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят шикоятларга ечим излаш, хулоса ясаш ваколатига эга эмас.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2008 йил 23 январь 4 (606)

19218 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-21 1 2 3 4 6 Топширилди — 23.00